Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 8 декабрь сешанба № 241 (21.339).



• ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ВОҚЕА АРАФАСИДА ТУРИБДИ: ВАТАН ТАҚДИРИДА УНУТИЛМАС ТОНГ ОТМОҚДА. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ ТОШКЕНТДА БУГУН ОЧИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛДИ. 8 ДЕКАБРЬ ВАТАН ҲАЁТИДА ТАРИХИЙ КУН БЎЛИБ ҚОЛСА АЖАБ ЭМАС. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ ҚЎЙИЛГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!



Учрашув пайти.

ЮРТ ОҒАЛАРИ БИЛАН КЕНГАШИБ

7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашди. Бундай учрашувнинг республика Олий Кенгаши сессияси арафасида ўтказилиши айни муддао бўлди. Зеро, доно халқимиз «Маслаҳатли тўй тарқамас» деб бежиз айтмайди.

Республикамизда бошқарувнинг ҳокимлик тизими жорий этилганидан буён тўққиз ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. Эндиликда жойларда вазиятга бир раҳбар жавоб берадиган бўлди. Халқ билан кенгашиб, тадбиркорлик билан иш юритилаётган жойларда ҳокимлик тизими айниқса яхши самара бера бошлади. Умуман олганда, республикамизда иқтисодий ва сиёсий вазият барқарор бўлиб турганлигида ҳокимликларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Республика Президенти Ислом Каримов учрашувда ана шуларни таъкидлар экан, ҳокимларни халқ хизматини адо этишда бундан буён ҳам собитқадамроқ бўлишга даъват қилди.

Президент ички иқтисодий аҳвол ҳақида сўзлар экан, бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётгани яна бир карра эслатиб ўтди. Биз бундан буён ҳам талабалар, ногиронлар, нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бораверамиз, деди у. Халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди. Биз қишлоқ хўжалигига янада кўпроқ эътибор берамиз. Бу соҳада меҳнат қилаётганлар даромади улар етиштирган маҳсулотнинг харид нархларини ошириш ҳисобига кўпаяди.

Ўзбекистон Президенти пул қадрсизланаётган ҳозирги пайтда республикамизнинг молиявий сиёсати, Тожикистондаги вазият ҳақида мулоҳазалар билдирди, янги ерларни ўзлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пахта харид нархлари ва бошқа масалалар юзасидан ҳокимларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституция Комиссиясининг Раиси И. А. Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Конституция Комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг дастлабки муҳокамаси натижалари якунланди.

Таъкидлаб ўтилдики, Конституция лойиҳаси икки ярим ой мобайнида матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар фаолларининг йиғилишларида, минг-минглаб меҳнат жамоаларида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди.

Лойиҳа ҳамма ерда маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Сўзга чиққанлар мамлакатнинг чинакам истиқлолини, унинг ижтимоий ва давлат қурилишидаги реал демократизмни, унинг ижтимоий-сиёсий йўлини белгилашда умуминсоний қадриятларнинг шак-шубҳасиз устиворлигини тасдиқловчи янги Конституция — мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки Конституцияси лойиҳасининг ниҳоятда улкан, чинакам тарихий аҳамиятини яқдиллик билан таъкидладилар. Лойиҳада қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар самарали ишлашининг, республикадаги қатъий ҳуқуқий тартиб-интизомнинг ишончли кафолати ўз аксини топган.

Муҳокама давомида Конституция лойиҳасини тайёрлашдаги юксак савия таъкидлаб ўтилди: Уни дарҳол, кечиктирмай тасдиқлаш зарурлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бир қанча мурожаатлар қабул қилинди.

Айни вақтда умумхалқ муҳокамаси давомида лойиҳани яхшилашга доир кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция Комиссиясининг ўзигина 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза олди.

Тушган таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси пухта ўрганилди ҳамда улардан лойиҳа устидаги ишларни давом эттириш чоғида фойдаланилди. Натижада 60 дан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилди. Лойиҳанинг дастлабки таҳридан тўртта модда чиқариб ташланди, бир неча янги модда шакл топиб, лойиҳа матнига қўшимча равишда киритилди. Тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Конституция лойиҳаси матбуотда иккинчи бор эълон қилинди.

Конституция Комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг эълон қилинган лойиҳаси муҳокамасида иштирок этган ҳамда ўз тавсия ва таклифларини юборган барча фуқароларга, жамоат ташкилотларига, меҳнат жамоаларига чин юракдан миннатдорчилик билдиради.

Конституция Комиссияси умумхалқ муҳокамаси чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини маъқуллаш ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8 декабрь куни иш бошлайдиган навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ХАЛҚ НОИБЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИ

7 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон халқ ноиблари вакилларининг кенгаши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев очди.

Йиғилишда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясининг кун тартиби билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ ноиблари ҳузурида нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қатнашди.

(ЎзА).

Бугун бутун мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқлари ҳаётида „буюк тарихий воқеа юз бериши кутилмоқда. Диёримизнинг халқ депутатлари турли вилоятлар ва районлардан навбатдаги сессияда қатнашиш учун Тошкентга етиб келдилар. Улар Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси ишида ҳар қачонгидан ҳам фаол қатнашиш, мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлашда садоқат билан меҳнат қилаётган, диёримизнинг тинчлиги ва осойишталигининг чинакам эгалари бўлиб турган ўз сайловчиларининг дил истакларини изҳор этиш, сессиянинг кун тартибига қўйилган бир қатор муҳим масалаларни атрофлича ва мазмунли муҳокама этиш ҳамда уларни қабул қилиш учун чин дилдан бел боғлаганлар.

ҚУТЛУҒ ВОҚЕА АРАФАСИДА

Олий Кенгашнинг бугун ўз ишини бошлайдиган сессияси шу билан чексиз аҳамиятлики, унинг кун тартибига қўйилган йигирма саккизта масала орасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси тўғрисида»ги масала алоҳида ўринга эга.

Бугун Ўзбекистон халқ депутатлари муҳокамасига қўйилаётган Конституция лойиҳаси бутун диёримиз бўйлаб корхоналар, жамоалар, ташкилотлар ва турли муассасаларда кенг ва атрофлича етарли вақт ичида муҳокама қилинди, бу фикр алмашинувларда унинг афзаллик жиҳатлари ҳақида кўплаб ижобий фикрлар айтилди; ҳар бир модда банд-банд синчиклаб муҳокама қилинди, талай қимматли фикрлар қўшимча киритилди.

Ўн биринчи сессия ишига етиб келган халқ депутатларининг қай бири билан суҳбатлашмайлик, улар бу тарихий ҳужжатга катта қамровли фикрлари билан юксак баҳо бераётганликларининг шоҳиди бўлдик.

Садрали УМАРОВ, — Фарғона вилоятидаги Учкўприк районининг «Оқсув» боғдорчилик хўжалиги боғбони:

— Мен сайланган округда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси кенг муҳокама этилди. Уни барча кишилар жуда яхши кутиб олдилар. Бу тўлиқ маъноси билан бизнинг муқаддас китобимиз бўлиб қолади. Катта тарихга ва маънавиятга эга бўлган меҳнаткаш халқимиз асрлар оша бу қомусдан чексиз бахраманд бўла олади, деб баралла айтишим мумкин. Сессияда мен бу тарихий ҳужжат учун қалб амри билан овоз бераман.

Абди ТУРДИЕВ, — Қашқадарё вилояти «Кўкдала» давлат хўжалиги раҳбари.

— Йил бўйи меҳнат қилган деҳқон омборлар тўла, дастурхонлар эса файзли бўлишини истайди. Унинг яна бир орзуси юртнинг тинч ва осойишта бўлишидир. Хўжалигимиз меҳнат аҳли ана шундай ниятда тиним билмай ишлади. Пахта тайёрлашни 120 фоиз, ғаллани эса 200 фоиз адо этди. Ҳамма кўрсаткичларимиз яхши. Хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси ҳозирги пайтда бутун диёримиз узра яхши кунлар ҳукм сураётганлигини яққол кўриб, сезиб турибди. Энг муҳими, юртимиз тинч ва осойишта, рўзғоримиз бут. Ҳар бир маҳалла ва қишлоқда тўй бўлаётган экан, бу фаровонлик белгисидир. Эндиликда давлатимиз ва мамлакатимиз равнақи учун энг зарур бўлган нарса бу Конституциясидир. Сессияда биз қабул қиладиган ҳужжатда мустақиллигимизнинг тараққиёт йўллари очиқ-ойдин кўрсатиб берилганлиги билан фахрланамиз. Биз депутатлар ана шу тарихий ҳужжатни қабул қилиш учун даҳлдор кишилар эканмиз, бунинг учун ўзимизни ғоятда бахтиёр одамлар деб ҳисоблаймиз.

Суҳбатдош Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

7 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Республика Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси юзасидан сиёсий нуқтаи назари тўғрисидаги масала, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг партия Таъсис қурултойидан кейинги бир йиллик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов маъруза қилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Навоий вилоятидаги «Томди» наслчилик заводи директори, Ўзбекистон халқ депутати А. Исаев, Ўзбекистон ХДП Бухоро район кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати С. Жўраева, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг биринчи котиби А. Асанов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Улар партия Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси бўйича тайёрлаган таклифларни маъқуллаб, ХДП аъзоси бўлмиш халқ депутатларини пленум ишлаб чиққан сиёсий йўлни сессияда изчил қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Пленум ўз ишини тугатди.

*

Суратда: сессия қатнашчилари — Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бир гуруҳи.

Эркин БОТИРОВ олган сурат.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси бугун 8 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 8 декабрь куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VI пленуми

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИДАГИ ДЕПУТАТЛАР ПАРТИЯ ГУРУҲИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН СИЁСИЙ НУҚТАИ НАЗАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. РАСУЛОВ маърузаси

Азиз дўстлар!
Партиядошлар!

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг биринчи йили тарихий воқеаларга жуда бой бўлди. Халқимизнинг асрий орзуси — миллий истиқлолга эришилганлиги бизнинг оламшумул ютуғимиздир. Республикамизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида бутунлай янги вазият вужудга келди. Демократик жамият томон одимларимизнинг илк натижаси — кўппартиявийлик тизимининг вужудга келишида ҳам у ўз ифодасини топмоқда. Мана шу даврда Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаклланди, мамлакатимизнинг етакчи сиёсий кучига айланди.

Бутун Ўзбекистон халқи мустақиллигимизнинг бир йиллик тўйини кенг нишонлади. Истиқлолимиз тарихий саҳифаларида муносиб ўрин оладиган саналар туркумига мустақил республикамизнинг биринчи Конституциясини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш ҳам муқаррар равишда киради. Бу тарихий жараёнга партиямиз ўзининг алоқадорлигини амалда кўрсатмоқда.

Бу нимада кўринади? Авваламбор — партиямизнинг дастуруламалида. ХДП ташкил топганининг биринчи куниданоқ ўз Дастурида Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси тайёрланишини қўллаб-қувватлади. Иккинчидан, шу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, у ўз фаолиятининг асосий йўналишларини белгилади. Марказий Кенгашда бир неча марта республикамизнинг ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлари билан бўлғуси Конституция хусусида давра суҳбатлари ўтказилди. Марказий Кенгаш котиби А. Х. Саидов раҳбарлигида Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасига таклифлар тайёрловчи махсус ишчи гуруҳи тузилди. Бу ишчи гуруҳи йил давомида муттасил равишда қуйи партия ташкилотларидан Конституция лойиҳаси юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни Олий Кенгаш Конституциявий комиссиясига юбориб турди.

Лойиҳа матбуотда эълон қилинганидан сўнг, уни тартибли равишда муҳокама қилишни ташкил этиш учун муайян ташкилий тадбирлар ўтказилди. Марказий Кенгаш биринчи навбатда Лойиҳа билан имкони борича кенг халқ оммасини таништириш, янги конституциявий қоидаларни тушунтириб бериш мақсадида бир неча минтақаларда ўқув-ташвиқот йиғилишларини ўтказди. Бу тадбирлар ўз натижасини берди. Биз ўтказган ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сўров ўтказилган аҳолининг 77 фоизи Конституция лойиҳаси билан танишганлигини айтган.

Ҳозирги вақтга келиб амалда барча бошланғич партия ташкилотларида бу масала муҳокама этиб бўлинди. Конституция лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва 203 та шаҳар, район партия кенгашлари пленумларида ҳамда 12 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотларининг аксарияти йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилди. 300 мингга яқин партия аъзолари лойиҳа хусусида кўпгина эътиборга лойиқ 23 мингдан ортиқ мулоҳазалар, таклифлар ва танқидий фикрлар билдирдилар. Яъни, бу муҳим сиёсий ҳуқуқий ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, бутун партия томонидан муҳокама этилди, дейишимиз ва бугун биз унинг якунлари юзасидан ишлаб чиқадиган нуқтаи назаримизни, партиянинг умумий фикри, деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ҳозирги кунда Конституция лойиҳаси муҳокамаси якунловчи паллага кирди. Бу масаланинг Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши биз учун муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, гап оддий қонун лойиҳаси устида эмас, балки Асосий Қонунимиз ҳақида кетаётир. Конституция Ўзбекистоннинг истиқлол ва ижтимоий-иқтисодий маданий тараққиёт йўлининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб беради.

Конституциямизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, нуфузини, халқаро ташкилотларнинг унга бўлган муносабатини ҳам белгилаши турган гап.

Иккинчидан, биз учун Лойиҳани атрофлича муҳокама қилишнинг муҳим аҳамияти бор. Нега? Шунинг учунки, партиямиз аъзоларининг, халқимизнинг дастурий мақсадларимизга монанд келадиган орзу ва умидлари бўлғуси Конституциямизнинг қандай бўлишига боғлиқдир. Шу боис, халқимиз Олий Кенгашдаги партия гуруҳимиздан Конституция ўзининг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб бера оладиган бўлишига эришишини кутмоқда.

Учинчидан, Конституциянинг марказий ғояси — инсон, унинг бахт-саодати, ҳуқуқ ва эркинликлари, тинчлиги ва осойишталигидир. Бундан ташқари, Конституция сиёсий тузумимизнинг асосий қоидаларини ҳам белгилаб беради. Сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрни, уларнинг давлатни бошқаришдаги иштироки масалалари эса бу ерда алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай экан, биз бугун парламентнинг эртага бошланадиган сессиясида партиямизнинг депутатлар гуруҳи тутадиган йўлини, ҳаракат тактикасини биргаликда ишлаб чиқишимиз керак.

Умуман, Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси анча пишиқ тайёрланган. Лойиҳа кўп жиҳатдан бизнинг тарихий, маданий, миллий анъана ва удумларимизга асосланиб ишланган. Айни пайтда халқаро ҳуқуқ ва талаблар ҳам ҳисобга олинган, яъни жаҳон конституциявий тажрибасига ҳам таянилган. Аксарият моддалар республика мустақиллигининг биринчи йилида давлат қурилишида тўпланган ўз дастлабки тажрибаларимиздан келиб чиқади. Фикримизнинг далили сифатида биз сўров ўтказган аҳолининг 83,5 фоизи Лойиҳани асос сифатида маъқуллаб, яна мукаммаллаштириш зарур, деган фикрни билдирдилар.

Лойиҳадаги диққатга сазовор қоидалар нималардан иборат?

Биринчидан, Лойиҳа муқаддимасида баён этилган умумбашарий қадриятлар — инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устворлиги, инсонпарвар жамият ва демократик ҳуқуқий давлат каби ғоялар партиямизнинг дастурий, сиёсий нуқтаи назарига тамомила мос келади.

Иккинчидан, Лойиҳанинг ижобий томонларидан бири — Ўзбекистон халқларининг кимлигидан, яъни миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, жамиятдаги ўрнидан қатъи назар қонун олдида тенглигини кафолатлашдир. Унда мамлакатимиздаги ҳар бир халқнинг миллий урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида уқтирилади.

Учинчидан, Лойиҳадаги халқ ҳокимиятчилигини ташкил этишнинг асосий қоидаси, яъни унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинишини ҳам эътиборга лойиқдир.

Тўртинчидан, лойиҳадаги жамиятнинг иқтисодий асослари тўғрисидаги қоида ҳам бизнинг дастуримизга мос келади. Зеро, унда гап турли мулк шаклларининг иқтисодиётимизнинг негизини ташкил этиши ҳақида бормоқда.

Бешинчидан, Лойиҳа ўзбек халқининг қадимий маданий мероси бой мазмунига таянган ҳолда миллий, тарихий маънавиятга ҳурмат билан қарашни фуқароларга фахрли мажбурият қилиб қўяди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бизнинг депутатлар партия гуруҳимиз Конституция лойиҳаси масаласини сессия кун тартибига киритиш ва уни муҳокама учун асос сифатида қабул қилишни ёқлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Дўстлар! Энди бевосита Лойиҳа хусусида тўхталмоқчиман. Назаримизда, Лойиҳадаги у ёки бу моддага билдирилган фикрлар ва таклифлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Сизларнинг қўлингизда Марказий Кенгаш ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган тегишли маълумотлар бор. Шу сабабли, рухсатингиз билан энг муҳим жиҳатлар тўғрисида гапирсам.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — Лойиҳанинг марказий ғояларидан бўлгани туфайли, унинг иккинчи бўлими партия аъзолари, шунингдек, аҳоли кенг қатламлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Бу табиийдир. Чунки, Конституция лойиҳасининг ушбу бўлимдаги моддалари ҳар бир инсонга бевосита дахлдордир. Умуман, Конституциянинг ана шу бўлимидаги концепцияни биз қўллаб-қувватлашимиз мумкин. Шу билан бирга муҳокама даврида кўп маротаба алоҳида таъкидланган қуйидаги ҳолатларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Гап фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларига бағишланган моддаларнинг таҳририй тузатишларга муҳтожлиги тўғрисида боряпти. Бундан ташқари, Конституция матнида илмий-техник ва бадиий ижод эркинлиги Асосий Қонун даражасида эътироф этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳар биримиз инсон фарзанди, ҳар биримиз учун она мўътабар зотдир. Бинобарин, аёлларнинг аҳволи, уларнинг оналик меҳнати қанчалик машаққатли эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Партия сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш эканлигини ҳисобга олиб, Конституцияга аёлларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлар жиҳатидан эркаклар билан тенглигини ҳамда уларнинг қонун билан ишончли тарзда ҳимояланишини кафолатловчи моддаларни киритиш ташаббуси билан чиқишимиз тўғри бўлур эди.

Азиз маслакдошлар! Партия Марказий Кенгашининг ҳамда Республика Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳининг нуқтаи назарини ишлаб чиқишда Лойиҳанинг давлат ҳокимиятини ташкил қилиш тўғрисидаги бўлими алоҳида эътиборга моликдир.

Умуман олганда, Конституция лойиҳасининг шу бўлимига асос қилиб олинган давлат ҳокимиятини ташкил этиш тўғрисидаги қоидалар партиямизнинг сиёсий мақсадларига мувофиқдир. ХДП аввалбошданоқ, республика суверенитетини бошқарувнинг янада тўлароқ амалга оширишга имкон берадиган мутлақо янги тизимини яратишни, унинг амалий, ташкилий тузилмаларини шакллантиришни ёқлаб чиққан эди. Бу тизимнинг ўзагини эса Президент бошқаруви ташкил этади. Шу муносабат билан Лойиҳага «Ўзбекистон Президентлик республикасидир», деган жумлани киритишни таклиф этамиз.

Конституция лойиҳаси муҳокамаси мобайнида аксарият жойларда президентлик билан республика Вазирлар Маҳкамасининг раиси лавозимини бирга қўшиб олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар билдирилди. Бундай таклифнинг қабул қилиниши ижроия ҳокимиятининг ягона тизимини мустаҳкамлашга, бошқарувдаги пухталик ва тезкорликнинг ошишига, қонунлар, фармонлар ҳамда ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан ўрнатиладиган назоратнинг таъсирчан бўлишига ёрдам беради.

Шу сабабдан, бугун Конституция лойиҳасидаги ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинишини таъминлашга, ижроия ҳокимиятининг кучли ва таъсирчан тартиботларини шакллантиришга қаратилган тегишли қоидаларни маъқуллаб чиқсак, тўғри бўлар эди. Ишлаб чиқариш соҳаси ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан юқори даражада мувофиқлаштириб, назорат қилиб турилиши иқтисодий инқирозни бартараф этиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва юксалтиришнинг зарур шарти эканлигини жаҳон тажрибаси яққол кўрсатмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни, ўртоқлар, XIX бобнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти» қисмидаги бир неча моддалар юзасидан партия ташкилотларида билдирилган кўпгина муҳим фикр-мулоҳаза-таклифларга қаратмоқчиман. Зотан, бу бизнинг зиммамизга ўз нуқтаи назаримизни алоҳида диққат билан ишлаб чиқиш вазифасини юклайди.

Гап, авваламбор, Президентнинг сиёсий партиядаги ўз аъзолигини тўхтатишига доир 90-модда тўғрисида боради. Йиғилишлардаги нутқларда, оммавий ахборот воситаларида кўпчиликнинг таъкидлашича, Конституция лойиҳасига киритилган республика Президентининг партиясиз бўлиши тўғрисидаги талаб қабул қилинса, бу муайян даражада жаҳон конституциявий тажрибасини инкор этиш демакдир. Деярли ҳеч қайси бир мамлакатда Конституция ва қонунлар Президентдан ўз сиёсий партиясидан чиқиб кетишини талаб қилмайди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, 90-моддани сессияда қуйидаги таҳрирда таклиф қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди:

«Президент ўз ваколатларини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Президент шахси дахлсиздир ва у қонун билан муҳофаза этилади».

Бизнинг ишчи гуруҳимиз Конституция лойиҳасининг бошқа кўпгина моддалари юзасидан ҳам таклифлар тайёрлади ва бу таклифлар, юқор

ЎЗБЕКИСТОН—ЭРОН

Шавкат ЯҲЁЕВ.

2. «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ—ЖУДА ОҚИЛ ВА УДДАБУРОН СИЁСАТ»



● **Иккала давлат раҳбарларининг ўзаро учрашув ва мулоқотларида ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилди.**

ЭРОН банкларининг вакиллари, ишбилармонлари Президентимиз Ислом Каримов билан учрашувдан зўр қониқиш ҳосил қилдилар, тадбиркорлигига тан бериб, кўпгина ўзаро фойдали тадбирларни белгилаб олдилар.

Бугунги кунда фақат Эрондагина эмас, Ўзбекистон сармоя сарфлашнинг истиқболли соҳаси сифатида жаҳондаги кўпгина йирик компанияларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Узоқ Шарқ давлатларининг етакчи компаниялари билан биргаликда лойиҳалар амалга оширила бошланди. Бунда гап миллионлаб сўмлик катта-катта лойиҳалар тўғрисида бормоқда. Табиийки, ана шу соҳада банк хизмати кўрсатиш, уларни суғурта қилиш зарур. Бу масалаларни ҳал этишга бел боғлаган банклар каттагина наф кўрадилар. Ўзбекистон ўзида Эрон Ислом Жумҳурияти банкларининг филиалларини ташкил этиш, яъни банк ишларини кооперациялашга ўтиш борасидагина эмас, мамлакатларимизни ўзаро боғлайдиган темир йўлини қуришга оид ишларни жадаллаштиришга ҳам тўла ҳайриҳоҳ эканлигини билдирди. Чунки мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновининг йўлга қўйилиши ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон беради. Шу боисдан, мамлакатларимизнинг узоқни кўра оладиган молиячилари ана шундай янги имкониятларни очиб берадиган кредит-молия хизмати тармоқларини барпо этишга ҳозирнинг ўзидаёқ киришдилар.

Эроннинг денгиз портлари эса Ўзбекистоннинг ташқи дунёга чиқиши учун дарвоза бўлади. Республикамиз ҳозирги пайтда иқтисодиётда бурилиш даврини бошдан кечиряпти. Унинг халқ хўжалик мажмуи таркибий жиҳатдан қайта қурилмоқда. Бизнинг олдимизда қисқа муддатларда самарали хўжалик тизимини йўлга қўйиш вазифаси турибди. Бунда биз энг аввало, ўз имкониятларимизга таяниб иш тутяпмиз. Шу билан бирга, жаҳондаги бошқа мамлакатлар, шерикларимизни иқтисодиётимизга сармоя қўйишга таклиф этаяпмиз. Аммо биз бунда шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, ҳеч кимга, ҳеч нима сўраб қўл чўзаётганимиз йўқ, аксинча биз тўла тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорликка даъват этаяпмиз, холос.

Биз бозор иқтисодиётига бир кунда кирмоқчи эмасмиз, балки аста-секинлик билан ҳамма томонини тарозига солиб, яъни етти ўлчаб бир кесишга ҳаракат қиляпмиз. Айнан шу маънода Эроннинг ишбилармон кишилари бизга ёрдам кўрсатишга шай эканликларини билдирдилар ва ўзлари ҳам бундан муносиб наф кўрадилар. Бу наф нималардан иборат? Энг аввало, бизда солиқ солиш масалаларида, шунингдек, божхона ишларида энг кўп имтиёзли шароитлар яратилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида хорижий сармоя билан ишлаётган корхоналар дастлабки фойдани олган пайтдан бошлаб икки йил давомида даромад солиғи тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган. Хорижий сармоядорнинг четга чиқариладиган даромадига солинадиган солиқ миқдори 10 фоизгача қисқартирилди. Республикамизга ташқаридан олиб келинаётган кўпгина молларга божхона солиғи бекор қилинди ёки анча камайтирилди.

Хуллас, Эрон учун Ўзбекистон иқтисодиётининг уларни қизиқтираётган тармоқларига, шунингдек, молия ва банк тизимига барча эшиклар очиқдир. Ҳар қандай ташаббусни рўёбга чиқаришда инсон асосий омилдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонимиз учун кадрларни ўқитиш ва уларни тайёрлашга алоҳида аҳамият беряпмиз. Ҳозир бизда чет элдардаги ўқув марказларида кадрларни ўқитишнинг кенг миқёсдаги дастури ишлаб чиқилди ва у муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ишда Эрон ҳам четда қолмайди. Эрон мамлакати марказий банкининг раиси, доктор А. Одилий эътирофи Президентимизнинг расмий ташрифи қанчалик самарали бўлганлигини яққол кўрсатди. «Бўлиб ўтган музокараларимиз самарали эканлигини тан олмасдан иложим йўқ, — деди у. — Биз ўзаро ҳамкорлик қилишнинг турли хил йўллари бўйича фикрлашдик. Мен Ўзбекистон Президентини иқтисодчи сифатида юксак қадрлайман. Чунки у киши бу соҳани жуда чуқур биларканлар. Музокараларимиз давомида кадрлар соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдик».

ЎЗБЕКИСТОН матбуоти саҳифаларида республикамиз Президентининг Эрон Ислом Жумҳуриятига расмий ташрифи якунлари кенг ёритилди. Президентимиз ва Эрон Ислом Жумҳурияти Президентининг қўшма баёноти эълон қилинди. Шу боисдан, мен бу расмий ташриф чоғида Эрондан олган таассуротларимнинг бошқа жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб топаман.

Эронда ҳунармандчилик, тарихий обидалар борасида диққатга сазовор жиҳатлар кўп. Булар ҳар бир кишида катта қизиқиш уйғотиши табиий, албатта. Айни пайтда шу нарса ҳам ҳаёлингдан ўтадики, бизнинг Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларимиздаги ноёб тарихий обидалар, минг-минг йиллик тарихга эга бўлган архитектура ёдгорликлари жаҳондаги ҳеч бир мамлакатникидан қолишмайди. Эронда кўпгина кишилар Самарқанд ва Бухорони яхши билишар экан. Демак, тарихий шаҳарлар ўртасида биродарлик ришталари ўрнатиш ҳам халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ислом Абдуғаниевич Каримов Эронда қадимий халқ ҳунармандчилиги усталари билан суҳбатда бўлди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар билан қизиқди. Бизда ҳам халқ ҳунармандчилиги кенг йўлга қўйилганлигини ифтихор билан хаёлимдан ўтказдим.

Эронда оддий халқ ҳаёти билан ҳам танишдик, меҳнаткашлар билан суҳбатлашдик. Уларни кўриб вужудимдан шундай ҳислар ўтдики, Ўзбекистонимиз аҳолиси ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, барқарор, тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ҳам чет эллардагидан аъло, асло қолишмайди. Айниқса, бир нарса ҳаёлимга кўп урилди, у ҳам бўлса, кишиларимизнинг очиқ чеҳраси, хотин-қизларимизнинг эмин-эркин, гулгун яшнаб юришлари, кийган кийимларининг кўзни қувонтириши айниқса, чет элга борганингда шундоққина кўз ўнгингда тураркан. Эронда дин ниҳоятда қаттиқ бўлиб, унинг таъсири ҳамма жойда сезилиб турибди. Бу ҳатто хотин-қизларнинг очилиб-сочилиб юришларига, чеҳралари гулгун яшнашига таъсир этмасдан қолмаган. Шу нарсани дилимга қаттиқ тугдимки, Эроннинг ҳам биздан ўрганадиган жиҳатлари кўп экан. Ҳолбуки, бизда ҳам динга эркинлик берилган, ҳар кимнинг хоҳиш-иродаси ўзида, аммо халқимизнинг чеҳрасида ғамгузорлик ифодаси йўқ, аксинча ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан биз озодлик нашидасини суряпмиз, мустақиллигимиз шарофати билан дилларимизда ғурур, ифтихор ҳислари жўш уриб турибди. Республикамиз пойтахти — гўзал Тошкентни дунёдаги ҳеч бир пойтахтга ўхшатолмайман. Унинг ўзига хос гўзал қиёфаси, нодир архитектура ёдгорликлари, замонавий биноларини, республикамизнинг қайси район марказига борманг, кўкаламзор майдонларни, оппоқ, чиройли биноларни, кенг ва равон кўчаларни кўриб баҳри-дилинг очилади! Булар ҳаммаси чет элларда бўлган кишида завқ уйғотмай иложи йўқ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгач, ҳали ёш бўлишига қарамай, ҳозирги кунда уни мустақил давлат сифатида 120 дан зиёд мамлакат тан олди. 58 таси билан эса элчихоналар даражасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Республикамиз 30 дан зиёд ҳорижий давлатда ўз дипломатия ваколатхоналарини очишга розилик берган. Ҳозир Тошкентда Эрон, АҚШ, Туркия, Франция, Олмония, Италия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг элчихоналари иш олиб бормоқда. Улар сафи тобора ошиб боряпти. Булар ҳаммаси республикамиз истиқболини кўзлаб амалга оширилаётган, Президентимиз Ислом Каримовнинг олиб бораётган оқил ва уддабурон ташқи сиёсатининг самаралари-дир!

Энг барқарор, тинч ва осойишта мамлакат ҳисобланган бизнинг республикамиз Эрон Ислом Жумҳурияти билан ҳар томонлама ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришга мустаҳкам пойдевор қўйди. Президентимизнинг Эронга расмий ташрифи эса ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликда янги саҳифа очди. Табиийки, келгусида унинг яна янги-янги саҳифалари очилажак!





СУРАТЛАРДА: Эрон Ислом Республикаси пойтахти — Теҳрон шаҳрининг манзаралари.

Р. ҒАФУРОВ суратлари.

ЯНГИЧА НИГОҲ БИЛАН

ЗАФАРОБОД РАЙОНИ ҲОКИМИ ҲИСОБОТИ АНА ШУНДАЙ БАҲОЛАНДИ

Бу йил Жиззах қўрғонининг Зафаробод районида «янги» сўзи тез-тез қўлланиладиган бўлиб қолди. 20 йилдан буён қўтариб келинган Октябрь номи янгиланди; яхши ниятлар билан Зафаробод деб аталди. Жорий йилнинг бошларида районга янги раҳбар келди. Вилоятдаги ҳокимлар ичида энг ёши Собиржон Абдусатторов янги ишга енг шимариб алоҳида ҳафсала билан киришди. У «Районимиз исми жисмига муносиб бўлиши керак», деган гапни кўп такрорлади. Ахир «қизил империя» даврида «Илғор» номи билан аталиб, қолоқлар орасида ўралашиб юрганлар қанча эди?!

ЯҚИНДА район Кенгаши депутатлари ҳокимининг ҳисоботини тинглашганида, масалаларга баҳо беришда илгари ўрганиб қолинган қолиплардан чиқиб кетилганлигининг гувоҳи бўлишди. Буни янгича нигоҳ билан баҳо бериш, истиқболли уфқларни кўзлаш шарофатидан, дейишди якдиллик билан депутатлар. Ҳисоботда амалга оширилган ишларнинг бутун кўлами қамраб олинмаган бўлса-да, нисбатан қисқа муддатда бажарилган бунёдкорлик юмушлари акс этди, дейиш мумкин. Ёш ҳоким ўзига янада ёшроқ мутахассисларни ўринбосарликка танлади. Уларнинг ҳар биридан мустақил ечимлар қабул қилишни талаб қилди. Зафаробод оташқалб раҳбарларнинг ғайрати билан чинакамига очилиб кетди. Ободончилик ишлари бутун район аҳлини илҳомлантириб юборди. Қисқа муддатда савдо расталари, аралаш моллар дўкони, усти берк кўкат бозори, молбозор, новвойхона қуриб битказилди. Янгидан таъмирланган болалар боғи шўхшодон кичкинтойлар билан тўлиб тошди. Спорт майдончаларини айтмайсизми? Бир томонда теннис майдони, иккинчи томонда марказий футбол ўйингоҳи кўзни яшнатди, ёзги кинотеатр ўз бағрига чўлқуварларни чорлади. Ишлаб чиқариш мақсанларини барпо этиш ҳам назардан қочирилгани йўқ. Районлараро кимёвий ўғитлар омбори, 100 ўринли болалар боғчаси, пиллахона қуриб битказилди.

Аммо район ҳокими фақат «у қилинди-бу қилинди» қабилидаги ҳисоботлар билан чекланиб қолгани йўқ. Ҳокимликнинг, умуман депутатларнинг бугунги эътиборлари қайси масалаларга қаратилиши лозимлиги, уларни ҳал этишда қандай йўсин билан ёндошиш зарурлигига қаратилди. Мазкур мавзуни сессияда сўз олган депутатлар ҳам мантиқан давом эттиришди, дейиш мумкин.

Уларнинг таъкидлашларича, жойларда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳали паст. Беморларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш, таъмагирлик, шифокор ва тиббиёт ҳамшираларининг лоқайдликлари туфайли бахтсиз ҳодисалар рўй бериб турибди. Гарчи озодаликка эътибор қаратилган бўлсада, аммо бу борада аҳвол ҳамма жойда бирдек эмас. Чунончи, Файзулла Хўжаев, Охунбобоев номли, «Уч қаҳрамон» давлат хўжаликларида юқумли касалликлар тез-тез учрамоқда.

Меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатиш яхшиланаётган бўлса-да, ҳали ҳам лат нархида топширамиз,— деди «Уч қаҳрамон» давлат хўжалигидан сайланган депутат Мавлуда Ҳошимова. — Аммо давлат магазинларидан бизга берилаётган маҳсулотларнинг нархи эркин, тижорат, келишилган баҳода эканлиги ҳаммамизни ажаблантиради.

Депутатнинг таъкидлашича, ҳозир ҳар бир молга камида 900—1000 сўмдан устама нарх қўйиб сотилмоқда. Районда бу аҳволни назорат остига оладиган азамат топилмаяпти. Ишчи депутат Ҳожиев ҳамкасбларининг эътиборини ун тақчиллиги масаласига қаратди. Бу борадаги кескинликни юмшатиш мақсадида ҳар хонадонга 100 килограммдан буғдой тарқатилган. Лекин бу борада тўла адолат ўрнатилганми? Айрим оилада икки киши яшаса, бошқасида 15—18 тагача жон истиқомат қилади.

Масалаларнинг бутун кескинлиги билан, рўй-рост қўйилгани айни муддао. Негаки, нуқул муваффақиятлар ҳақида сўз юритиш ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Айни пайтда Жиззах вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарганлик ҳақидаги рапортга имзо чеккан зафарободликлар қўлга киритилган ҳар бир рақамнинг, ҳар бир кўрсаткичнинг мағзини тўла англаш учун ҳаракат қилмоқдалар. «Оқ олтин» хирмони учун курашнинг қизғин кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига йўлланган ғалаба рапорти зафарободликларнинг йил бўйи қилган ишларини яққолроқ ифодалади, дейиш мумкин. Улар 13380 гектар майдонга чигит экиб, қарийб 32 минг тонна пахта ҳосили йиғиштириб олдилар. Кўпни кўрган деҳқонлар баҳорда, ёзда рўй берган табиат инжиқликларига ўз маҳоратларини қарши қўйдилар. Районда ишчи кучининг нисбатан камлиги назарда тутилиб, асосий юмуш техника зиммасига юклатилди. Теримнинг авж палласида кунлик суръат 5—5,5 фоизни ташкил этди. Ана шундай шиддатга 10 кун атрофида эришилди. Ҳосилнинг асосий қисми пахта териш машиналари билан саранжом-саришта қилинди. Ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унуми 95 тоннани ташкил этди.

Ҳа, бу ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бугунги кунда район чинакам зарбдор қурилиш майдонига айланди. Ҳозир бу ерда автобуслар бекати, чойхона, ҳаммом ва шу каби кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик бинолар жадал қурилмоқда. Район ҳокимлиги республика Президенти фармонлари ижросини алоҳида назоратга олган. 8 ой муддат ичида бир фермер ёнига 25 таси қўшилди. Уларга 251 гектар унумдор экинзор ажратилди. Янгича ишлашга бел боғлаган фермерлар 642 бош қорамолни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Йил охиригача улар 440 тонна сут, 73 тонна гўшт етиштиришни режалаштиришган.

Айни пайтда ўқитувчиларга 450, боғча-тарбиячиларига 218 хонадон, Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига 66 уй бепул хусусийлаштириб берилди. Демак, ҳокимлик маънавият масалаларини ҳам ёдда тутиб ишламоқда.

Ҳозирги қийинчиликлар эрта-индин ўтиб кетади, энг муҳими мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун барча бир ёқадан бош чиқариб аҳил-иноқ ишлаши керак. Таъбир жоиз бўлса, бу сўзлар ҳокимнинг ҳисобот маърузасида ҳам, музокарада сўзга чиққан депутатлар нутқларида ҳам бош ғоя каби янгради. Ёркин уфқлар сари дадил олға бораётган зафарободликлар бу йўлда янгидан-янги марраларни забт этишларига асло шубҳа йўқ!

Ш. ЖАББОРОВ,
Ю. ЗИЕДОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ҚИРҚ ХОТИН-ҚИЗ ИШЛИ БЎЛДИ

«Карвон» корхонасининг мақсади — атиги беш хил турдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарса ҳам боплаб, созлаб харидорга ёқадиган қилиб тайёрлаш. Ташвиши эса корхона имкониятини кенгайтиришдан иборат.

Чунки, директор — анча тажрибаю дуруст тадбирга эга йигит. Исми — Аълохон. Шу ерлик. Маҳмуд бобонинг ўғли бўладн. Қўлидан иш келадиганларнинг бекор юришини истамайди. Шу боис, ишни бошлагандаёқ бирваракайига 40 нафар хотин-қиз ишли бўлганди.

Яқинда корхона аҳли билан келишиб яна бир ишга қўл урди. Корхона қошида енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи устахона очди.

Устахонани очишда асосий ёрдам Андижон шаҳар таксомотор саройидан бўлди. Сарой раҳбари В. Бердимуродов устахонани асбоб ускуна-ю жиҳозлар билан, бир йўла жой билан ҳам таъминлаб қўйди.

Дарвоқе, дастлабки натижа ёмон эмас. 1,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёр. Харидорлар ҳам кўп.

Ш. КЕЛДИЕВ,
Андижон шаҳри.

● *Муштарий мактублари*

МУРУВВАТДАН МАЛҲАМ ТОПДИМ

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун, кўпинча, ўзгаларнинг мададига муҳтожлик сезар экан. Улар кўрсатган озгина мадад ҳам кўнгилни кўтариб, ҳаётда ўзингни ўнглаб олишингда ёрдам беради.

Ўттиз йилдан ошдики, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб келяпман. Қалбимга қувонч-у, кўнглимга таскинни шу ердан топдим. Ҳозир икки кам 60 ёшдаман. Яқинда пенсияга чиқдим.

Бироқ уйда ўтиришга сабрим дош бермади. Қайтиб қадрдон корхонамга бордим. «Қаридингиз, қўлингиздан иш келмайди», — деб ранжитиб қўйишмади. Енгилроқ ишга — уй-жой коммунал хўжалигида қоровулликка қабул қилишди. Кайфиятим яхши. Ҳамма қатори ишлаб, яшаб турибман. Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Бирлашма ҳудудида жойлашган дўконларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат моллари 30—35 фоиз арзонлаштирилган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳам ташқаридаги ошхоналарникига нисбатан 2—3 баробар паст.

Албатта, бу тадбирлар бошида, хайрли ишлар қошида корхона маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси турибди. Улар бугунги оғир кунларда ишчиларни кўпроқ ўйлашаётир.

Қисқаси, кўпга қўшилиб кам бўлмадим. Меҳнат фахрийси сифатида эъзозланяпман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб бораётган сиёсат биз, ишчи-хизматчиларга ана шундай имкониятлар яратаётганидан миннатдорман.

Р. ЖАЛОЛОВА,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчиси.

ЎҒРИЛАРНИНГ ПАСПОРТ БЕКАЛАРИДА ҚАСДИ БОРМИ?

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев район ички ишлар бўлими паспорт бекаси М. Хўжаевaнинг уйига ўғри тушди. Темир қути (буни қаранг, хонадонида сейфи ҳам бор-а) дан 40 минг совет сўми ва Америкaнинг 50 долларини ўмариб кетишибди.

Яна бир мисол: 3-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси паспорт бекасининг ҳам фиғони фалакка чиқди. Унинг ҳам уйидан 150 доллар ва 6 минг сўм пулини гумдон қилишибди.

Ишқилиб, ҳар бир мўминмусулмоннинг уйидан тангрининг ўзи ўғрининг юзини тескари қилсин. Аммо нега ўғрилар паспорт бекаларининг хонадонларини «нишон»га олиб қолишдийкин? Буни милиция терговчилари, қолаверса, суд ойдинлаштириб берар. Лекин оддий хизматчиларнинг сейфу қутиларидан Америка долларию, қадри тушиб кетаётган бўлса ҳам шунча кўп совет сўми топилганини аниқлаш учун Бухорога афсонавий Шерлок Холмосни чақириш шартмикин?

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ

1993 ЙИЛ — ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ ЙИЛИ

● **Бокуда туркийзабон давлатлар маданият вазирларининг иккинчи кенгаши ўз ишини якунлади.**

Кенгашда Кипр, Озарбайжон, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон вакиллари қатнашдилар. Татаристон Республикаси вакиллари кузатувчи сифатида анжуманда иштирок этишди.

1993 йил таваллудига 900 йил тўлиши муносабати билан Хўжа Аҳмад Яссавий йили деб эълон қилинди. У дунёдаги улуғ мутафаккир, ҳассос шоир сифатида довруғ қозонганлиги маълум.

Анжуманда туркийзабон мамлакатлар маданият вазирларининг кенгашини ҳар олти ойда бир марта ўтказиб туришга қарор қилинди. Учинчи учрашув келаси йилнинг июнь ойида Қозоғистон Республикаси пойтахти — Олмаотада ўтказилади.

БЕЛАРУСНИНГ ЯНГИ ПУЛЛАРИ

● **Беларусь Миллий банки янги пулларнинг муомалага киритилганлигини маълум қилди. Бу қиймати 200 ва 500 сўм бўлган ҳисоблаш билетларидир.**

Ҳисоблаш билетларининг юз тарафига Беларусь пойтахтининг кўринишлари — 200 сўмлик билетга — Вокзалолди майдони, 500 сўмлик билетга эса, Ғалаба майдони туширилган. Бу пул бирликларининг орқа томонида республика герби тасвирланган.

ҚАРЗ ТЎЛАШ МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛДИ

● **Германиянинг Франкфурт-Майни шаҳрида Ғарб банклари вакилларининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда банкларнинг 600 етакчи вакиллари иштирок этди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ташқи қарзларни тўлаш муддати кечиктирилганлиги маълум қилинди. Бу муддат келаси йилнинг 31 мартига қадар белгиланганлиги кўрсатиб ўтилади. Бу сўнгги ўн икки ой ичида берилган тўртинчи имкониятдир.

БИРЛАШИШ НИЯТИДА

● **Руминия собиқ Молдова Совет Республикаси билан саккиз йил ичида бирлашиш ниятида.**

Бу ҳақда Руминия Ташқи ишлар вазирлигидаги давлат котиби ёрдамчиси Андриан Дохотару маълум қилди.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

● **Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазирлиги махсус қарор чиқарди.**

Маълум бўлишича, АҚШ Европадаги 30 та ҳарбий база ва объектларни ёпиб қўяди ёки уларнинг айримларини қисқартиради.

ЎЗ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз тарихида биринчи марта халқаро кучлардан инсонийлик ёрдамини етказиб бериш мақсадида фойдаланиш юзасидан қарор қабул қилди.**

Бу ёрдам Сомалидаги очликдан қирилаётган аҳолига етказиб берилади.

МУДДАТ КЕЧИКТИРИЛДИ

● **Канада Миллий Мудофаа вазирлиги Сомалида очликдан азоб чекаётган аҳоли орасида озиқ-овқатни қўриқлаш ва тарқатишда иштирок этиши керак бўлган ҳарбий қўшинининг жўнатилишини кечиктиришлагини эълон қилди.**

750 ҳарбий хизматчининг Оттавадан Сомалига учиб кетиш учун тайёрага чиқишига бир неча соат қолганда сафарни кечиктириш тўғрисида буйруқ келган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва хорижий мамлакатлар рўзномаларининг хабарлари асосида тайёрланди).

• Халқ хизматида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан дунё мамлакатлари каби давлатимизда ҳам Қизил Ярим Ой жамияти жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлиги ўтказилмоқда.

САХОВАТЛИ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти 1925 йилда барпо этилган. Қарийб 65 йилдан бери жамиятимиз одамларга баҳолиқудрат кўмак бериб келмоқда. 20-30-йилларда тарқалган вабо, очарчилик даврида жамият фаоллари шаҳар ва қишлоқларда уйма-уй юриб, касалликнинг олдини олдилар. Емаҳхона очдилар. Минглаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ватан уруши йиллари фронтга жўнатилган донорлик қони, шафқат ҳамшираларимизнинг меҳнати чексиздир. 1948 йили Ашгабатда қаттиқ зилзиладан минглаб одамлар бошпанасиз қолди. Жамиятимиз туркман халқининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилди.

Тошкент зилзиласи эса халқимизга кўп ташвиш келтирди. Ўз навбатида қўшни республикаларнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Ўзбекистонга ёрдам уюштирдилар.

Газли шаҳри зилзиласи вақтида ҳам бу борадаги тажрибамиз қўл келди. Арманистон, Грузия, Шарорадаги табиий офатлар, Чернобиль ҳалокати пайтида ҳам тегишли ёрдам кўрсатилди.

Шундай савобли ишлар йиғилган хайрия ҳисобига амалга оширилди. Шунингдек, бу маблағлардан Ўзбекистонда ҳар йили бўлиб турадиган сув тошқини ва селлардан талофат кўрганларга ҳам ёрдам берилаётир. Кейинги йилларда Бўстонлиқ, Андижон, Наманган, Қорақалпоғистонда юз берган табиий офат зарарини қоплаш учун аҳолига бир неча миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Жамиятимиз ва Фуқаро селларни мудофаа қилиш штабининг таклифи билан кўп қиррали Республика тез ёрдам марказини таркиб топиши жамиятимиз ишида ўзига хос воқеа бўлди. Етук спортчилардан иборат бу гуруҳ баландликлар ва техникадан фойдаланиш қийин жойларда кечиктириб бўлмайдиган юмушларни бажарадилар. Жигаристон фалокатида, Туркия зилзиласи офатларини бартараф этишда ана шу гуруҳ кучидан фойдаланилди. Бундай гуруҳларни ҳар бир вилоятда ташкил қилиш ниятимиз бор.

Кези келганда хорижга ҳам мадад бериляпти. Жумладан, Эрон, Хитой, Туркияга жўнатилган бир неча миллионлик кўмагимиз мустақил Ўзбекистон ҳайрихоҳлигидан нишонадир. Тожикистонга ёрдамимиз азалий қўшничиликнинг тимсоли бўлди.

Ўйлаймизки, Ватани ва халқини севадиган ҳар бир инсон ҳиммат кўрсатишга ҳаракат қилади. Жамият ҳисобига саховат кўрсатишни истасангиз, савоб бўларди. Ҳисоб-рақамимиз: саноат қурилиши банки: 000700378, код 172682304. Тошкент шаҳри, Юнусобод райони.

Алишер ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раисининг ўринбосари.

«МУСТАҚИЛЛИК —МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



Инженер-программалаштирувчи Маҳбуба Қосимова. У «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи мутахассиси.

Р. ШАМСУТДИНОВ олган сурат.

*

Муштарийларимиз диққатига!

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар маҳаллалар ҳаётини ёритишга мўлжалланган янги рўзномани чиқаришга қарор қилганлиги сизларга маълум.

Туғилажак янги газетанинг ўзига хос номини қўйишда иштирок этиб, мактублар ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.

Манзилимизни яна бир бор такрорлаймиз:

● РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ПРОЛЕТАР КЎЧАСИ, 6-УЙ. ТЕЛЕФОН: 32-01-69.

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ТАҲРИРИЯТИ: ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ. ТЕЛЕФОН: 33-79-14,33-72-83.

● Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига пул ўтказиб ўз улушини қўшаётган саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, фуқаролар сафи кун сайин кенгаймоқда.

● РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ОПЕРАЦИЯ БЎЛИМИНИНГ 000700126 РАҚАМЛИ ҲИСОБ РАҚАМИ БАНК КОДИ: 172682116.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

Жамғарма банки

ДИҚҚАТ!

1991 йилда енгил автомобиллар олиш учун олинган мақсадли чеклар, БАМга алоқадор чекларнинг эгалари

1992 йил 31 декабргача

ўз чекларини уларни берган Жамғарма банк муассасаларига ёки Москва Жамғарма банки муассасаларига топширишлари лозим.

Мазкур чекларни қайтариб сотиб олиш муддати Россия Молия вазирлиги томонидан 1992 йилнинг 31 декабригача белгиланган.

ОХИРГИ МУДДАТ 31 ДЕКАБРЬ!

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.

• Ажаб савдолар •

«Бу йил оила аъзоларим билан ипак қурти парвариш қилиб, 115 килограмм пилла топширдим. Бир ой кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, югуриб-елиб атиги 2700 сўм иш ҳақи олдик. Норозилигимни кимга билдирай! Район раҳбарияти, хўжалик бошқаруви бизларни эшитишни хоҳлашмайди», деб ёзади Когон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги пудратчиси Илҳом Боқиев таҳририятга йўллаган мактубида.

Наҳотки, шундай бўлса! Когонлик раҳбарлар Ўзбекистон Президенти Фармонини назар-писанд қилишмаса! Масалага аниқлик киритиш мақсадида хўжаликка йўл олдик.

НАСИЯ ИЖРО

Мактуб муаллифи эндигина ўттиздан ошган йигит. Бухоро қишлоқ хўжалик техникумини битирган ёш мутахассисни ҳамқишлоқлари комсомол ташкилотининг котиби этиб сайлашди. Кейинчалик агроном бўлди. Бошқа вазифаларда ишлади. Камчилик ва нуқсонларга муросасиз.

Мана бир неча йилдан буён Илҳомжон оила аъзолари билан пудратчи, қаерда камчиликни кўрса, тап тортмай эътирозини билдиради. Бу гап ҳам шундай бўлди.

Унинг иштирокида хўжаликда пилла етиштириш соҳасидаги иш ҳақи тўлаш тартиби билан танишдик. Шу йилнинг 15 июнида вилоят деҳқончилик саноати уюшмасидан хўжалик раҳбарлари номига мактуб келиб, унда республика ҳукуматининг қарори билан пилланинг муайян қисми хўжалик ихтиёрида қолдирилиб эркин нархларда сотилиши инобатга олинган ҳолда ҳосилнинг ҳар килограммига 45 сўмдан иш ҳақи, ипак қуртининг уйда парвариш қилингани учун яна 10 сўмдан ижара ҳақи тўлаш тавсия этилган. Лекин бу шунчаки тавсия, масалани жамоанинг умумий йиғилиши ҳал қилади. Бироз вақтдан сўнг бўлиб ўтган йиғилишда жамоанинг оғир иқтисодий аҳволи баён этилгач, вилоятдан келган тавсияга вақтинча амал қилмаслик, пилланинг ҳар килограммига эски нархларда, яъни 24 сўмдан ҳақ тўлаш, хўжалик ҳисобига тегишли маблағлар тушиши билан қолган пулни тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ноилождикдан кўрилган бу тадбирдан Илҳомжоннинг хабари бор, албатта.

Хўш, йил сайин режа ва топшириқларни ортиғи билан адо этиб келган хўжалик қандай қилиб бундай оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолди, қулоғигача қарзга ботди?

Ҳамма гап шундаки, жамоа ўтган йили белгиланганидан анча зиёд пахта етиштирган бўлса-да, толани ўз вақтида сота олмади, унга харидор излаш, тегишли шартнома тузиш кўп ойларга чўзилди. Техника, ёнилғи-мойлаш ва бошқа ресурсларнинг нархи эса бу даврда ўнлаб баравар ошиб кетди.

Келиб-келиб шу йилнинг май ойида «Интерагро» деган ташкилот билан 145 тонна толани сотиш юзасидан шартнома тузилди, лекин олиниши лозим бўлган маблағнинг ярми ҳамон хўжалик ҳисобига тушгани йўқ. Айни маҳалда жамоа йигирма миллион сўм қарз билан фаолият кўрсатмоқда.

Боз устига жамоа каттагина қурилишларни амалга ошираяпти. Чунончи, беш қишлоққа табиий газ, олтита қишлоққа ичимлик сув қувурлари ётқизилмоқда. Фақат шу тадбирларнинг ўзига ўн миллионлаб сўм маблағ керак. Бундай шароитда хўжалик раҳбарларининг ҳам аҳволини тушуниш мумкин.

—Агар Илҳомжон редакцияга мактуб ёзишдан илгари бизга мурожаат этганида, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик бошқарувининг раиси И. Камолов, — унга ҳаммасини ётиғи билан тушунтирган бўлардик...

Раис ҳақ, албатта. Ҳамма жойга жар солишдан илгари вазиятни ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Лекин И. Боқиевнинг ҳам аҳволига назар ташлайлик. У биз билан учрашувга резина этик кийиб келди. Чунки чарм этик сотиб олиш учун пули йўқ, далада эса ботинкада ишлаб бўлмайди. Хўжалик бошқаруви ҳар бир пудратчига ойига келгуси ҳосил ҳисобидан 500 сўм аванс бераяпти. Уни озиқ-овқатга сарфласинми, болаларни киийнтиришга ёки ўзига сарфласинми? Пилла пулига умид қилган эди, у ҳам сароб бўлиб чиқди. Бир нарсалик бўлай деб пахтадан бўшаган уч гектар майдонга жавдар экиб, колхоз омборига 21 тонна ҳосил топширган эди, унинг ҳам пули ҳозирча насия.

Илҳомжоннинг уч фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ҳам ўзи билан бирга пудратчи. Улар шу кунларда ниманинг ҳисобига яшасин? Когон районида ночор оилалар талайгина. Бу қиш уларнинг ҳоли нима кечади? Ахир, бизга айтишларига кўра, бошқа хўжаликларда ҳам пиллага иш ҳақини эски нархда тўлашган. Тўла ҳисоб-китоб қачон бўлиши номаълум. Ваҳолонки, пул тобора қадрсизланиб бормоқда. Бундан бир неча ой кейин олинадиган пулнинг қадри ҳозиргидай бўлиб туришига ким кафолат беради?

Насиядан унгани — тегирмондан чиққани, — дейди доно халқимиз. Илҳомжон Боқиев сингари колхозчилар хўжаликка топширилган ҳосил учун иш ҳақи талаб қилишмоқда. Хўжалик раҳбарлари қачонгача Президент фармонларини насияга ижро этишаркин?

Нусратилло НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

● Кейинги йилларда Амударёнинг қуйи оқими ва Оролбўйида яшаётган аҳолининг саломатлигини сақлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги 2—3 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда овулларда, давлат ва жамоат хўжаликларида, касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар, медицина пунктлари қурилишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Хўжайли районидаги Ленин номли, Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» жамоа хўжаликларидаги касалхоналар, поликлиникалар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Шуманай районидаги Гагарин номли давлат хўжалигида 50 ўринли касалхона ишлаб турибди. Яна 20 ўринли касалхона қурилиши янги йилгача битказилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

«КОСИБКОР»ДА ТЕЛПАК КЎП

● Навбаҳор районидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигида «Косибкор» кичик корхонаси ташкил этилди. Айни пайтда бу ерга келиб-кетувчиларнинг кети узилмаяпти. Сабаби кичик корхонада иссиқ, бежирим телпаклар тикиб чиқарилмоқда.

Хом ашё қайси ҳисобдан дейсизми? Корхона раҳбари, ишбилармон Нормурд Жумаев бунинг ҳам йўлини топган. У ўз шахсий хонадонида кўплаб қўй, қуён ва сувсар боқаяпти. Натижада хом ашёга эҳтиёж йўқ. Телпак тикишни эса келини Комуна Жумаева ўзлаштириб олган. Бундан ташқари Рамазон, Олтин, Ғафур Жумаевлар ҳам қуён ва қўй боқиш билан бирга хушбичим телпаклар тикишни яхши билишади. Эндиликда «Косибкор» кичик корхонаси аъзолари нафақат телпак ,қоракўл теридан аёллар шубалари тикишни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

М. ШАРОПОВ.

1992 ЙИЛ 12 ДЕКАБРДА

Қўргазмалар залида ҚХДР амалий санъати асарларининг (Қаштачилик, суратлар, чиғаноқ, қамиш, сополдан ишланган турли хил буюмлар) ўн кун давом этадиган кўргазмаси очилади.

Кўргазма манзили: Тошкент шаҳар, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси 40-уй. («Тошкент» меҳмонхонасининг рўпарасида).

ҚЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

1992 йил 10 декабрдан 16 декабргача «1-ТошМИ» ҳудудида Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган тиббиёт жиҳозлари кўргазмаси ўтказилади.

Кўргазма соат 10 — 17. 00 гача очиқ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Ҳамза кўчаси 103-уй (Эски ТошМИ бекати).

ҚЎРГАЗМАГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Юнусобод районидаги «Сивара» тижорат ишлаб чиқариш фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Қарши аграр-иқтисодиёт институти 1993—1994 ўқув йили сиртқи бўлимининг 1-босқичига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; гидромелиорация; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси; бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш; агросаноат комплекси тармоқлари иқтисодиёти ва бошқариш (қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти).

Барча мутахассисликлар бўйича институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан танлов имтиҳонларини топширадилар:

Математика (оғзаки)
Физика (оғзаки)
Ўзбек (рус) тили (ёзма, диктант).

Институтга қабул қилиш ўқишга кирувчиларнинг имтиҳонларда тўпланган баллари миқдори бўйича умумий танлов натижаларига қараб ўтказилади;

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган, ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлик ҳақидаги ҳужжатга эга бўлганлар, етимлар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда олий ўқув юртида ўқиш учун шифокорлар меҳнат эксперт комиссиясининг хулоса ҳужжатига эга бўлган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари танловдан ташқари қабул қилинадилар.

Танлов баллари тенг бўлган тақдирда, қуйидаги абитуриентларга устунлик ҳуқуқи берилади:

— хўжалик, ташкилот ва муассасаларнинг шартномалари билан ўқишга юборилганлар;

— охирги уч йил давомида ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилганлар;

— танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётган муддати 1 йилдан кам бўлмаган;

— ўрта махсус ёки ҳунар-техника билим юртларини тугатиб, ўхшаш мутахассисликларга кираётганлар;

— кўпроқ иш стажига эга бўлганлар.

Мактабни олтин (кумуш) медал билан, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар битта фандан — математикадан оғзаки кириш имтиҳони топширадилар.

Ушбу имтиҳонни «аъло» баҳога топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади ва институтга қабул қилинади. Агар шу имтиҳонни ижобийроқ баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади: ўрта таълим асосидаги ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугатган шахслар ўзи эгаллаган соҳа мутахассислигига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилади.

Институтга кирувчилар ректор номига ёзилган ариза га қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

— ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли;

— 086—У — шаклидаги тиббиёт маълумотномаси; 3х4 см ўлчамли 6 фотосурат;

— иш жойидан маълумотнома (иш стажига эга бўлганлар эса меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма);

— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар 1992 йил 7 декабрдан 1993 йил 6 январгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1993 йил 7 январдан бошланади. Талабалар сафига қабул қилиш 1993 йил 31 январгача ўтказилади.

Манзилгоҳимиз: 730000, Қарши шаҳри. К. Маркс шоҳ кўчаси, 225 уй, қабул комиссияси.

Телефон: 4—11—88.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзкоопуюшма» ижроия қўмитаси жамоаси уюшма раиси муовини Мубаров Мубаширга отаси

Абдумажид МУБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент Давлат университети ректорати ва геология факультети жамоаси факультет декани А. Х. Жўлиевга акаси

Зулҳайдар ЖЎЛИЕВнинг

вафот этганлиги билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл ноҳияси бирлашган касалхонасининг қабул қилиш бўлими мудири Маматжон Рўзимовга отаси

Султонбой РЎЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш илмгоҳи раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари, шу илмгоҳ тащхисотмаслаҳатлашув поликлиникаси мудири М. Қ. Қодировга онаси

Манҳура ая АКБАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзкооптайёрловсавдо» бошқарув ҳайъати ва касаба уюшмаси, назорат-тафтиш комиссияси раиси М. Эркабоевга, отаси

Жўрабой ЭРКАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси жамоаси бош ҳуқуқ маслаҳатчиси С. С. Ғойибовга волидаи муҳтарамаси

Мукаррама АРСЛОНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИНИ» (ФЕЛЬЕТОН).

● ЮРАГИ КАТТА ОДАМ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—24.00 Г—512. № 241. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.